



Ўлкани бошқаришнинг мустамлакичилик тизими

Россия империяси ҳукумати Тошкент шахрини эгаллаб олганидан кейин ўз мустамлакачилик ҳукмронлигини қарор топтиришга интилиб, зудлик билан тегишли маъмурий ҳокимиятни таъсис этишга киришиб кетди. 1865-йил 6-августда Александр II "Туркистон вилоятини идора қилиш тўғрисидаги Муваккат Низом"ни тасдиқлади. Ҳокимиятни ташкил этувчи тизим "харбий-халқ бошқаруви" деб юритилган. Маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлмиш харбий губернатор кўлида харбий ва фуқаровий ҳокимият жамланган эди. Харбий губернаторни "яримподшо" деб атаган маҳаллий аҳоли у ўрта Осиёда чинакам подшо эканлигига ургу берар эди Жойларда маъмуриятга раҳбарлик

Муаллиф:

03.11.2013 20:57 -

килган б

ў

лим бошликлари айна маҳалда харбий комендантлар ҳам бўлишган. Россиялик амалдорлардан тайинланган маҳаллий аҳолини бошқарувчилар уларга бўйсунар эди. Бу шахслар маҳаллий аҳоли устидан умумий полиция назоратини амалга оширар эди. Маҳаллий халк маъмурияти эса (улар тузем, яъни маҳаллий маъмурият дейиларди) ёрдамчи ролини ўйнарди. Маҳаллий аҳолига бошчилик килган оксоколга эса хонадон сохиблари томонидан сайланувчи шахар, туман оксоколлари бўйсунар эди. Полициячилик вазифаларини эса раислар бажарар эди. Раислар бозордаги савдо

-

сотик ва жамоат тартиби устидан назорат килиб борарди. Солиқлар йигимини амалга оширган закотчи лавозими ҳам алоҳида жорий этилган эди.

Маҳаллий халк учун козилар суди, кўчманчи аҳоли учун эса бийлар суди сакланиб колди. Козилар уч йил муддатга сайланарди. Россиядан келган аҳоли подшолик судларида суд килинган.

Мустамлака тартиби урушиб босиб олинган ҳудуд аҳолисининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий қарамга айлантиришга хизмат қилувчи бошқарув усули.

Россия империяси маъмуриятининг маҳаллий аҳолига таъсирини кучайтириш мақсадида 1866-йил Тошкентда ўзига хос муассаса — маҳкама жорий этилган. Маҳаллий аҳоли вакилларида сайланган кози ва 7 нафар аълам унинг таркибига кирган. Ана шу мақсадда чор маъмуриятига таклиф этилган 200 дан зиёд бой-бадавлат ва нуфузли шахарликлар маҳкама аъзоларини сайлаб қўйишган. Маҳкама аъзолари подшо ҳокимиятининг ишончли ва садокатли ёрдамчилари бўлишган. Маҳкама фаолиятини махсус подшо амалдори назорат қилар эди.

1867-йил июлда Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг марказий бошқаруви генерал-губернатор девонидан ташкил топган эди. У харбий қўшинларга қўмондонлик вазифасини ҳам бажарар эди. Еттисув казаклари қўмондони ва бош судя ҳам эди. Девон асосий ижрочи орган эди. Россия империясидаги ҳеч бир давлат органи бу генерал-губернаторлик қаби

Муаллиф:

03.11.2013 20:57 -

ваколатга эга эмас эди. Қўл остиларида фукаролик ва харбий хокимиятни жамлаган харбий губернаторлар Туркистон вилоятларига рахбарлик килар эдилар. Вилоятлар уезд бошликлари бошчилик киладиган уездларга бўлинар эди. Кишлок ва шахарлар ўзлари мансуб бўлган уезд бошликларига бўйсунар эдилар. ўз навбатида уездларприставлар рахбарлик килган участкаларга бўлинар эди.

Янги худудлар босиб олингани сайин Сирдарё вилоятида янгидан-янги маъмурий-худудий бирликлар, яъни 1868-йилда маркази Самарканд шахрида бўлган Зарафшон округи, 1873-йилда маркази Петро-Александровск (хозирги Тўрткўл)да бўлган Амударё бўлими, 1876-йилда Қўкон хонлиги тугатилиши муносабати билан маркази Янги Маргилон (хозирги Фаргона шахри)да бўлган Фаргона вилояти ташкил этилди.

Мустамлака бошқарув тизимининг максоди ва хусусиятлари

Россия империяси хокимияти ўрта Осиёни ўз ички мустамлакасига айлантира оладиган маъмурий ва сиёсий тизимни яратишга замин хозирлаган эди. Бу тизим ўзининг тўлик харбий хукмронлигини қарор топтиришни, ўлка иктисодий ва сиёсий хаёти устидан ялпи назорат ўрнатишни англатар эди.

Бу тизимнинг бошка бир жихати Туркистон ўлкаси — Хива, Бухоро ва Қўконни ташки дунёдан тамомила яқкалаб қўйишда, Россия империяси ташки давлат чегараларини барпо этиш йўли билан хар қандай иктисодий, маданий ва сиёсий алоқаларни тўхтатишдан иборат эди.

Инглиз империалистлари билан имзоланган шартномага кўра 1869— 1872-йилларда Панж дарёси бўйлаб махаллий халкни иккига ажратиб ташлаб, сурфий чегара ўрнатилди. 1881-йилда Скобелев Туркменистонни босиб олиши натижасида Эрон билан хозирги чегаралар белгиланди. Худди шу йили Шаркий Туркистоннинг Или ўлкасидаги кўзгалон чор кўшинлари томонидан бостирилгандан сўнг Россия ва Хитой императори хозирги (Козогистон, Киргизистон, Тожикистон ва Хитой ўртасидаги) чегараларни белгилаб, шартнома имзоладилар.

Россия мустамлакачилик сиёсати максоди, бу — минтакада рус ахолисининг маълум бир

фоизини жойлаштириш эди. Марказий Россиядан очлик ва ерсизликдан кочган рус дехконларини кўчириб келтира бошладилар, аммо шаҳарларда рус аҳолисини шакллантириш сиёсати муҳим аҳамиятга эга эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри Россиядан кўчиб келган аҳоли ҳисобига зудлик билан кенгайиб борди. Бу аҳолининг катта қисми истеъфога чиққандан кейин шаҳарда яшаш учун қолган аскарлар, давлат амалдорлари, Россия армияси амалдорлари, Россия фирмалари хизматчилари, жазо манзилига жўнатилиб, жаримага тортилган хизматчилар, хизматдан бўшатиб юборилган ҳарбий хизматчилар эди.

Анхор шаҳарни қок икки қисмга ажратган бўлиб, эски шаҳарда маҳаллий аҳоли, янги шаҳарда эса рус аҳолиси яшарди. Шаҳарнинг бу икки қисми бир-бири билан қамдан-қам аралашган ҳолда ўз иқтисодий ва маънавий ҳаётини бошдан кечирар эди.

Мустамлақачиликнинг плантацион модели ишга оид барча ҳужжатларни рус тилида юритишни назарда тутарди, буйруқлар ва фармойишлар ҳам рус тилида бериларди, уларнинг моҳиятини маҳаллий аҳолига маҳаллий амалдорлар тушунтириб берар эди. Ишлаб чиқаришдаги ички қоидалар ҳам рус тилида ёзиб қўйилар ва ижро этилар эди. Бу нарса ўзига хос шаҳарлаштиришни рағбатлантирди, аҳоли саводхонлик даражасининг пастлиги сақланиб қолди. Маҳаллий аҳоли асосан ёрдамчи ишларда меҳнат қиларди, ишчилар, техник зиёлилар қатлами эса Россиядан ёллаш ҳисобига тўлдириб бориларди.

Бошқарув тизими ва маъмурий-худудининг жойлашуви

Россия империяси олиб борган тинимсиз урушлар унинг чекланган молиявий захираларини қасодга учратди. 1874-йилда Россия Шарқий Туркистондаги Ёқуббек кўзгалонини бостириш учун катта қўшин жўнатди. Айниқса, 1877—1878-йилларда Туркия билан олиб борган уруш Сан-Стефан сулҳ шартномаси билан яқунланиши империяга жуда қимматга тушди. 1878—1880-йилларда инглиз-афғон уруши туфайли Афғонистонга юриш қилишга мўлжалланган рус армияси аскарлари сони Туркистон ўлкасида қарийб 40 мингга етганди. Россиянинг ҳарбий харажатлари янги мустамлақа мамлакатларни эзиш ҳисобига қопланди.

Муаллиф:

03.11.2013 20:57 -

1877-йилда Тошкентда "Шахар низоми" жорий этилган бўлиб, унга мувофик шахар бошқаруви Думага ўтган эди. Дума аъзоларининг 1/3 қисми шахарнинг "Осиё" қисмидан, 2/3 қисми эса "янги Тошкент" қисмидан сайланган эди. Натижада шахарнинг 80 минг маҳаллий аҳолисидан 21 депутат, 3900 нафар европалик аҳолидан эса 48 депутат катнашадиган бўлди. Шахар хўжалигини юритишга оид барча ишлар ана шу Дума қўлига ўтди. Дума устидан раҳбарлик қилувчи шахар бошлигини генерал-губернатор такдимига қўра Харбий вазирнинг ўзи тасдиқлар эди.

Жойларда бошқарув аппарати вазифаларининг бир қисми маҳаллий рус маъмурияти назорати остида иш юритган маҳаллий оксоқоллар ва волостнойларга ўтказилди. Улар аҳолидан "солиқларни қурутдай санаб олар эди".

1886-йил 12-июлда император Александр III тасдиқлаган "Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги янги Низом" арзимас ўзгаришлар билан 1917-йилга қадар амал қилди. Низом тўртта асосий бўлимдан иборат бўлган:

1) ўлканинг маъмурий тузилиши;

2) суд тузилиши;

3) ер тузилиши;

4) солиқлар ва йигимлар.

Бу Низом генерал-губернаторлик ҳудудий бирликлари номларини ўзгартиришни ва уларни бундан кейин ҳам бир хиллаштириб боришни назарда тутар эди.

Зарафшон округи Самарканд вилоятига айлантирилди. Хўжанд, Жиззах, Каттакўргон, Самарканд уездлари унинг таркибига киритилди. Амударё бўлимининг бир қисми Сирдарё вилоятига ўтказиб юборилди, Курама уездининг номи Тошкент уезди деб қайта

Муаллиф:

03.11.2013 20:57 -

номланди. Фаргона вилояти ўзгармасдан колди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий ер майдони 1,7 миллион кв. км бўлиб, бу Франция ва Германия худудини бирга қўшиб хисоблаганда ҳам икки баравар кўп, айти маҳалда аҳолиси эса жами 5,2 миллион кишини ташкил этар эди. ўзбеклар ва бошка туб миллатлар 1897-йилда 5 миллионни, 1911-йилда эса қарийб 6 миллионни ташкил этган.

Рус аҳолисининг умумий сони украинлар ва белорусларни ҳам қўшиб хисоблаганда 1897-йилда 197 минг кишини, 1911-йилда эса 400 минг кишини ташкил этган, яъни 14 йил давомида маҳаллий аҳоли сони 20 фоизга, рус аҳолиси сони 100 фоизга ортган. Бу Россия мустамлакачилиги "плантация тизими"нинг аниқ натижаси эди. Рус аҳолиси мустамлакачилик бошқарувининг жонли кучини ташкил этган. Россия империяси армияси рус аҳолисининг ўлкада ҳукмрон мавқеи қаролати эди.

1886-йилги "Низом"га мувофиқ Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий бошқаруви янги идора — Туркистон генерал-губернатори Кенгаши билан тўлдирилган эди. Вилоятлар харбий губернаторлари, генерал-губернатор девони бошқарувчиси, Туркистон харбий округи штаби бошлиги бу Кенгашнинг доимий аъзолари бўлишган. Бу идорадан кўзланган мақсад ҳокимият қонунчилик асосларини яратиш бўлган. Кенгаш ўлкани идора қилишга тааллуқли масалаларда қонун чигариш ҳуқуқига эга эди.

1886-йилги "Низом" асосида Бухорода Россия сиёсий агентлиги таъсис этилди, унинг руҳсати ва розилигисиз Бухоро амири на ташки, на ички сиёсат масалаларида бирор ишни мустақил ҳал қила олар эди. Сиёсий агент шу ерда истиқомат қилувчи наслонийлар манфаатларини ҳимоя қилар эди.

Хулоса

-1865-йил 6-август — "Туркистон вилоятини идора қилиш тўғрисидаги Муваққат Низом" қабул қилинди;

-1867-йил — Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил

этилди;

-1868-йил — Маркази Самарканд шаҳри бўлган Зарафшон округи тузилди;

-1873-йил — Маркази Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) шаҳри бўлган Амударё округи тузилди;

-1876-йил — Маркази Янги Маргилон (ҳозирги Фаргона шаҳри) бўлган Фаргона вилояти ташкил этилди;

-мустамлакачилик тизимининг мақсади — ўрта Осиёни Россиянинг ички мустамлакасига айлантириш эди;

-1886-йил — Зарафшон округи — Самарканд вилояти деб, Курама уезди – Тошкент вилояти деб қайта номланди;

-1886-йил — Бухорода Россия сиёсий агентлиги ташкил этилди;

-мустамлака тизимининг мақсади — ўлка устидан назоратни таъминлаш, ташки дунёдан тамомила ажратиб қўйиш эди;

-Россиядан аҳолини қўчириб келтириш ҳисобига мавжуд тузум учун таянч яратилди.